Ушбу сонда:

2 ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ уни ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантирайлик

3 TV — ДАСТУРИ

4 *Касаба уюшма спорти* СПАРТАКИАДАНИНГ УНУТИЛМАС ОНЛАРИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ ВАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 6 апрел, жума № 52 (1066)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Дрезден, 5 апрел. ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ГФРга расмий сафарининг сўнгги куни Дрездендаги «Мовий гумбаз» музейини томоша қилишдан бошлади. Бу музей дунёдаги энг бой маданият кошоналаридан бири бўлиб, унда жуда кўплаб ноёб экспонатлар йиғилган. Давлатимиз раҳбари улар орасида, айниқса, Бобурийлар сулоласига мансуб экспонатни катта қизиқиш билан томоша қилди. Минглаб қимматбаҳо тошлар билан безатилган бу санъат асари тилла ва кумушдан ишланган бўлиб, унда Аврангзеб ҳузуридаги қабул маросими акс эттирилган.

Ислом Каримов «Сименс» гуруҳининг «Инфенион текноложиз» тармоқ компаниясига қарашли корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда юқори технологияга асосланган электрон жиҳозлар, асосан, компютер, принтер ва шу каби ускуналар учун чип ва микрочиплар ишлаб чиқарилади. Бу жиҳатдан у дунёдаги энг замонавий корхоналардан ҳисобланади.

Президентимиз компания раҳбарлари билан мулоқот чоғида Ўзбекистонда ҳам шундай корхона қуриш учун етарли шароит ва мутахассислар борлигини айтиб, уларни бу имкониятдан фойдаланишга ундади. Шу куни Германиянинг «Ман-Такраф» фирмаси давлатимиз раҳбари жойлашган «Кемпински» меҳмонхонасида ўзининг тақдимот маросимини ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Президентининг ГФРга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Мамлакатимиз раҳбарининг бу сафари жуда самарали бўлди. У турфа учрашув ва фойдали мулоқотларга бойлиги билангина эмас, балки фан-техника, автомобил транспортида юк ва йўловчи ташиш, наркотик моддалари контрабандасига қарши кураш, банк иши, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорликни кўзда тутувчи талай ҳужжатлар имзолангани билан ҳам икки мамлакат ўртасидаги азалий алоқалар тарихидан мустаҳкам жой олиши, шубҳасиз.

(ЎзА).

Ўзбекистон-Германия ҳамкорлиги

Мамлакатимизга хорижий сармояларнинг кириб келиши қўшма корхоналарнинг юзага келишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

Германия технологияси асосида фаолият кўрсатаётган кичик ва қўшма корхоналарда биргина Қашқадарё вилоятида юзлаб киши иш билан таъминланди, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Бундан беш йил муқаддам Германиядан олиб келинган акциз маркаларни ёпиштирадиган мослама Шаҳрисабз ароқ-вино ҳиссадорлик жамияти ишчиларининг оғирини енгил қилаётган бўлса, Шаҳрисабз консерва ҳиссадорлик жамиятида томат банкалари ясайдиган мослама ишлатилмоқда. Шунингдек, «Шаҳрисабзгўшт» ҳиссадорлик жамиятда колбаса ишлаб чиқарадиган линия йўлга қўйилди.

Яккабоғдаги «Зиё-нур» кичик корхонасида қандолат ва макарон маҳсулотлари цехи фаолият кўрсатяпти. 1998 йилда Қаршидаги «ДУНЁ-М» ҳиссадорлик жамиятига умумий қиймати 26 миллион 995 минг сўм бўлган нон ишлаб чиқариш ускунаси ўрнатилиши билан маҳсулот сифати яхшиланди, ишлаб чиқариш самарадорлиги ортди. Косон ҳамда Қарши ёғ очиқ ҳиссадорлик жамиятлари жамоаси ҳам айни пайтда Германия технологияси асосида иш юритмоқда.

— 1999 йилда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси Германиянинг «PFAFF-SINGER» фирмаси билан ҳамкорликда Чироқчи ва Қамаши туманларида жами 150 ишчи ўринли «Бизинтруд» корхонасини ишга туширди, — дейди вилоят иқтисодиёт ва статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Фармон Зиёдов. — 2001 йилда ҳам вилоятда хориж инвестициясини жалб этиш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, қўшма корхоналар тузиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилган. Унга кўра 2001-2005 йилларда 37 та қўшма корхона ташкил этиш мўлжалланмоқда. Шундан 2001 йилда 9 лойиҳага хорижий инвестициялар жалб этиш режалаштирилган.

Дарвоқе, Китоб туманидаги «Қиёт» фермер хўжалигига Германиянинг KFW банки томонидан «NAGEMA» фирмаси технологияси асосида соатига 1 тонна арпани қайта ишлайдиган ва қадоқлайдиган кичик завод лойиҳаси учун 517,3 минг немис маркаси миқдорида кредит ажратилди. Европа «Тикланиш ва тараққиёт банки» томонидан Қарши туманидаги «Ражаб момо» фермер хўжалигига ҳам Германиянинг «THUSSEN» технологияси бўйича ишлайдиган, бир сменада 2 тонна мева ва сабзавотни қуритиш цехи қурилиши учун Евро кредит бериладиган бўлди.

Бутун Ўзбекистонда бўлгани каби, Қашқадарё вилоятида Германия билан маданий алоқалар ҳам йил сайин ривожланяпти. Масалан, халқаро «Ипак йўли - Театр саёҳат» лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар бунинг яққол далилидир. 1998 йилнинг сентябрида Қарши шаҳридаги Абдураҳмон Абдуназаров раҳбарлик қилаётган «Мулоқот» театр-студияси санъаткорлари Германияда ўз санъатларини намойиш қилдилар. Улар орасида Қарши туманидаги «Момогул» фолклор-этнографик, Китоб туманидаги мақомчилар дасталари, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари халқ ҳунармандлари ҳам бор эди.Ўз навбатида Чули Роберто раҳбарлигидаги жамоа 1999-2000 йилларда вилоятимизда бўлиб, халқаро фестивал семинарларида иштирок этдилар. Вилоят вакиллари Германияда бўлганларида немис ишбилармонларига бир неча иқтисодий лойиҳаларни таклиф этдилар. Айниқса, сиёсат ва тадбиркорлик бўйича маслаҳатчи жаноб Ф.М.Баарнинг Қарши шаҳрида қурилиши мўлжалланаётган Халқаро маданият маркази бинои бўйича тайёрлаб, Германия ҳукуматига тақдим этган тадқиқотлари кўплаб немис ишбилармонлари, сармоядорларида қизиқиш уйғотди.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Олимпиада

МУНИСА — РЕСПУБЛИКА ҒОЛИБИ

Тошкентда ўтказилган мактаб ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида Жомбой туманидаги 17-мактаб ўқувчиси Муниса Икромова география фани бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Шуни таъкидлаш керакки, олимпиаданинг республика босқичида 19 нафар самарқандлик ўқувчи қатнашди.

Темирйўл туманидаги 43-мактаб ўқувчиси Гуляндар Бараташвили француз тилидан, Азиза Бекмуродова рус мактабларида давлат тилидан, 59 махсус-мактаб интернатдан Ғулом Фармонов она тили ва адабиёти фанидан иккинчи ўрин соҳиби бўлдилар.

Ушбу ўқувчилар ўз мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртларига конкурссиз қабул қилиниш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

«Туркистон-пресс»

БАВАРИЯЛИК МЕҲМОНЛАР ЮРТИМИЗДА

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикасининг Бавария замини ландтаги (парламенти) делегацияси Хоразм вилоятига ташриф буюрди. Немис парламенти аъзоларини Хоразм вилояти ҳокими Б.Исмоилов қабул қилди. У меҳмонларга қадимий ўлканинг тарихи ва маданияти, мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун яратилган қулай шароитлар тўғрисида гапириб берди.

Бавария делегацияси аъзолари «Хива гилами» очиқ турдаги акционерлик жамияти фаолияти билан танишгач бунга ишонч ҳосил қилишди. Корхона ўтган асрнинг 70-йилларида ташкил қилиниб, ГДРда ишлаб чиқарилган ускуналар билан жиҳозланган эди. Ҳозирги пайтда Германиянинг «Промотекс индустриалаген ГмбХ» ва «ГЕКО ГмбХ Фертибезгезеллашафт» фирмалари билан ҳамкорликда гилам ишлаб чиқарувчи «Хива Карлет» қўшма корхонасини тузиш борасидаги ташкилий ишлар деярли ниҳоясига етди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 76 миллион немис маркасидан ошиб кетади. Янги қўшма корхона ҳар йили 1 миллион 680 минг квадрат метрдан ортиқ гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Маҳсулотнинг бир қисми хорижга экспорт қилинади.

- Мамлакатингизга ташрифдан кўзланган мақсад давлатларимиз ўртасидаги парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш, Бавария ва Ўзбекистон ҳудудлари ўртасидаги иқтисодий ҳамда маданий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат, - деди Бавария замини ландтаги вице-президенти Розивита Паулина Риесс хоним. - Акционерлик жамиятига ташрифимиз бизда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилиги ошиб бораётгани қувонарлидир. Президент Ислом Каримовнинг Германияга ташрифи давлатларимиз ўртасида ҳамкорликнинг янги истиқболларини юзага келтиради, деб ўйлайман.

Т.ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

Кейинги пайтда Навоийдаги бир қатор йирик корхоналар -Навоий конметаллургия комбинати, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамиятида Германиянинг замонавий технологик тизимлари ўрнатилмоқда.

БИР КЕЧА-КУНДУЗДА 10 ТОННА МАҲСУЛОТ

Шунингдек, «Навоийдонинвест» жамоа ишлаб чиқариш фирмаси ҳам немис тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилиб, яқинда пиво заводини ишга туширди. Заводга «Бераплан» ТМБҲ фирмасининг янги технологияси ўрнатилди. Пиво заводи қурилиши учун 180 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Завод суткасига 10 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бавария пивосидан қолишмайдиган Навоий пивоси ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

«Ишонч»га жавоб берадилар

ВАЗИФАСИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Газетамизнинг шу йил 17 феврал сонида «Мўйноқнинг ўгай овули» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Ушбу матбуот чиқиши юзасидан қуйидаги жавоб хати олинди:

— Мақолада келтирилган далиллар тасдиқланди. У 15-мактаб жамоаси ўртасида атрофлича муҳокама қилиниб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Ўз вазифасига совуққонлик билан ёндошган, ўзибўларчиликка йўл қўяётган кишилар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Хусусан, туман халқ таълими бўлимининг буйруғига асосан мактаб директори Ж.Заримов вазифасидан бўшатилди.

Илм масканида таълим-тарбия ишларини жонлантиришга масъулият билан киришилди. «Қозоқдарё тутинув» акционерлик жамияти ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатди. Ҳомий ташкилотлар ёрдамида компьютерлар сотиб олинди. Мактаб ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш қизғин давом этмоқда.

Ж.ЖУСИПОВ, Мўйноқ туман халқ таълими бўлими мудири.

ДАЛИЛЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

«Ишонч»нинг 2001 йил 23 март сонида «Хувиллаган маҳалла гузари» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Унда Жиззах вилояти Дўстлик шаҳри марказидаги Ҳамза маҳалласининг «Наврўз» гузари эътиборсизлик оқибатида кўримсиз масканга айланиб қолганлиги қаламга олинганди. Ушбу мақола юзасидан олинган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:

— «Хувиллаган маҳалла гузари» сарлавҳали мақолада келтирилган далиллар тасдиғини топди. Туман ҳокимлиги туман маданият ишлари бўлими билан ҳамкорликда ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгилади. Хусусан, гузардаги болалар видеосалони, радио ва телевизор тузатиш устахонаси намунали фаолият юритиши учун зарур жиҳозлар билан таъминланмоқда. «Туман шон-шуҳрати» музейини экспонатлар билан бойитиш ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Муҳим ишни амалга оширишда масъулиятсизликка йўл қўйган туман маданият ишлари бўлими мудири М.Эшимқулов огоҳлантирилди, Ҳамза маҳалла фуқаролар йиғини раиси И.Эрматовга ҳайфсан эълон қилинди.

А.ГАППАРОВ, Дўстлик тумани ҳокимининг ўринбосари.



Мустақиллик йилларида Ёзёвон туманида тилга олса арзигулик ўзгаришлар юз берди. Тадбиркорлар сони кўпайди, бунёдкорлик ишлари ҳозирда ҳам қизғин давом этмоқда. Сойбўйи қишлоғидаги «Истиқлол» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси талайгина ёшларни ўз бағрига чорлади. Улар замонавий технологияларни моҳирлик билан бошқариб, харидоргир неъматлар ишлаб чиқаришмоқда. Боз устига ўз ишининг усталари бир ойда 80 тонна унни қайта ишламоқдалар.

Жамоа меҳнат ютуқларида моҳир ишчи Ёқутой Мўминованинг муносиб ҳиссаси бор. У сифатли макарон ҳамда печеньелар тайёрлашда ҳамкасбларига намуна бўлмоқда. Ишлаб чиқариш илғорининг тажрибаси оммалашиб бораяпти.

Суратда: ўз касбининг устаси Ёқутой Мўминова.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

OLAMDA NIMA GAP?

Бу йил Вьетнам халқи учун хавотирли кунлар кўп бўляпти. Ўтган уч ой давомида мамлакатда уч бор ер силкинди. Бу галги зилзиланинг кучи Рихтер ўлчови билан 5,3 баллга етди. Ҳозирча вайронагарчиликлар ва қурбонлар ҳақида маълумот йўқ. Зилзила кучи айниқса, Лайтяу вилоятида қаттиқ сезилди. Айни пайтда вилоятнинг икки туманида қутқарув гуруҳлари ва тиббиёт ходимлари иш олиб бормоқда.

* * *

АҚШ конгрессменлари Хитой ҳукуматини инсон ҳуқуқларига риоя қилмаётганликда айблади ва Оқ уйни Тайванга қуроляроғ сотишни давом эттиришга чақирди. АҚШ қонунчиларининг қабул қилган резолюцияси АҚШ жосус самолёти билан рўй берган ҳодиса туфайли Вашингтон билан Пекин ўртасидаги муносабатлар кескинлашган пайтга тўғри келмоқда.

Яқинда АҚШ жосус самолёти Хитой жанговор самолёти билан тўқнашиб, шикастланган ва мажбуран Хайнан оролига қўнган эди. Самолётнинг 24 кишилик экипажи ҳамон Хитойда ушланиб турибди.

* * *

Полиомиелит касаллигига қарши умумбашарий кураш ижобий натижа бермоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг Болалар жамғармаси эълон қилган ҳисоботда айтилишича, ҳозирги кунда мазкур касаллик 99 фоизга камайган. 1980 йилда дунёда 350 минг марта полиомиет хасталигига учраш ҳодисаси кузатилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич атиги 3,5 мингни ташкил этди. Бунга дунё бўйича болаларнинг оммавий равишда эмланиши орқали эришилди.

* * *

Икки самолёт тўқнашуви билан боғлиқ ҳодиса учун АҚШ ҳамон узр сўрамаганини Хитой жамоатчилигининг қаҳр-ғазабини оширмоқда. Синхуа ахборот агентлигининг хабар беришича, халқ АҚШ ҳарбий самолётининг Хитой ҳаво чегарасини бузганини қаттиқ қораламоқда. Хабарда таъкидланишича, Оқ уй Хитойдан узр сўраши ва бундан буён мамлакат соҳилларида жосуслик фаолиятига чек қўйиши лозим.

* * *


«Токио симбун» газетасининг ёзишича, Японияннинг собиқ бош вазири Рютаро Хасимото яна Либерал-демократик партиянинг йўлбошчиси бўлиши ҳамда янги ҳукуматга раҳбарлик қилиши мумкин. 63 ёшли Р.Хасимото айни пайтда ҳукумат таркибида маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича вазир вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

* * *

8 апрелда Перуда президент сайлови бўлади. Айни пайтда сайловолди кураши авжига чиққан. Жамоатчилик орасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, бу курашда «Перу имконияти» ҳаракати йўлбошчиси Алехандро Толедо олдинда бормоқда. Сўралганларнинг 38 фоизи уни қўллаб-қувватлашини айтди. Шунингдек, мамлакатнинг собиқ президенти Алан Гарсиа ҳамда «Миллий бирлик» ҳаракати раҳбари Лурдес Лопес ҳам катта имкониятга эга.

* * *

Венесуэла президенти Уго Чавес Бразилияга ташрифи чоғида ўз мамлакати Жанубий Америка умумий бозорига (МЕРКОСУР) шу йилнинг ўзидаёқ аъзо бўлишини маълум қилди.



Жанубий Америка умумий бозори ҳудудий ҳамжиҳатлик асосида тузилган ташкилот бўлиб, унга Аргентина, Бразилия, Уругвай ва Парагвай аъзодир. Чили ва Боливия эса уюшаётган аъзо ҳисобланади. Венесуэла қўшилса, унга ҳам аввалига шундай мақом берилади.

* * *

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кук Белградга келди. Ташриф чоғида Югославия билан Буюк Британия ўртасида «янги ҳамкорлик муносабатлари» ўрнатиш масаласи муҳокама этилиши кутилмоқда. Робин Кукнинг таъкидлашича, келажакда Югославия Европанинг ажралмас бир бўлагига айланиши лозим.

(ЎзА).

OLAMDA NIMA GAP?

Хозирги кунда мамлакатимизда Президент Фармойиши асосида Асосий Комусимизни ўрганиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ

уни ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантирайлик



Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

Зеро, бунинг аҳамиятини, ҳар бир фуқаро ҳаёти, фаолияти учун нақадар муҳимлигини давлатимиз раҳбари биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган эди: «Энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак».

Ҳуқуқий-демократик давлатда яшаётган эканмиз, ҳар жабҳада қонун устуворлигига эришмоғимиз керак. Хўш, амалда шундай бўляптими? Шу ўринда бир нарсани эслайлик. Шўролар даврида бирон кишининг бошига мушкулот тушса, у аввало адвокатга, судга мурожаат қилишни ўйлаб кўрмасди ҳам. Сабаби, бу ташкилотларнинг инон-ихтиёри ўзида эмасди. Биз ўшанда юқоридан бериладиган буйруққа ўрганиб қолганлигимиз, боқимандалик кайфияти чуқур илдиз отганлигини ҳаёт яққол кўрсатди. Бу каби камчиликлардан дадил халос бўлиш, ҳар бир фуқаро қалбида миллий ғурур жўш уришига эришиш учун ҳуқуқий камолотга эришишимиз лозим.

Қонунларни ўзлаштиришни Асосий Қонунимизни чуқур ўрганишдан бошлаш лозим. Шу боис, Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганига саккиз йил тўлиши муносабати билан ўтказилган маросимда сўзлаган нутқида бу ҳақда яна бир бор тўхталиб ўтди: «Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз, у барчамиз учун ҳаётий бурчга айланиши лозим.

Шундай экан, жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўрганишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи, ўқиб ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин».

Ҳозирги кунда жаҳонда 200 га яқин давлат мавжуд. Уларнинг деярли ҳаммаси миллий давлатлардир. Шу туфайли уларнинг конституцияларида ҳам мамлакатдаги асосий миллатнинг хусусиятларини, миллий воқеликни ўзида акс эттиради. Бинобарин, конституция давлатнинг фақат асосий қонуни бўлиб қолмай, миллатнинг эзгу ғояларини ҳам ўзида ифодалайди. Аксарият ҳолларда давлатнинг номи асосий миллатнинг номи билан аталиши бежизмас. Масалан, Ўзбекистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Франция ва ҳоказо. Биламизки, ҳар қандай миллат уни бирлаштирувчи, порлоқ келажакка чорловчи буюк ғоялардан миллат бўла олмайди. Миллий сифати билан қўшиб айтилувчи бу буюк ғоялар энг аввало ўша миллатнинг турмуш тарзида, орзу-умидларида, дини ва маданиятида намоён бўлади. Аввало, асосий миллатга мансуб бўлган бу ғоялар мамлакатдаги барча аҳолини, сиёсий партияларни, ҳаракатларни жипслаштиради, буюк мақсадлар ушалишига олиб боради.

Ҳозирги кунда халқимизнинг бош мақсади — озод ва обод Ватан барпо этиш, эркин ва фаровон турмуш яратишдир. Давлат тафаккурининг туб-тубида ҳам ана шу миллий ғоя ётади. Конституциямиз эса ана шу бош ғоя — миллий ғояни — озодлик, яратувчилик ғоясини ўзида акс эттиради ва ҳуқуқий кафолатлайди. Бу ўринда миллий сўзи умумдавлат, умумхалқ, умумфуқаро деган маънони англатади.

Конституциямизни чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунига етиб боришни турмушнинг ўзи тақозо этаётир. Қолаверса, қонунларни билмаслик масаланинг бир томони бўлса, айрим ўринларда қонунларга риоя қилмаслик масаланинг иккинчи томонидир. Бахт китобининг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб аталган иккинчи бўлимида фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари, фуқароларнинг бурчлари хусусида сўз боради. «Жамият ва шахс» деб аталувчи учинчи бўлимда эса жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамият бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари тўғрисида сўз юритилади. Бу бўлимлардаги моддалардан хабардор бўлиш бозор иқтисодиёти кечаётган ҳозирги даврда жуда керакдир. Айниқса, ҳар бир корхона, ташкилот, муассасанинг раҳбари ва албатта, касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари билишлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

(Давоми бор).

СИҲАТГОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Ижтимоий ҳимоя

Янги асрнинг биринчи Наврўзи ушбу жамоада ҳам зўр тантана билан нишонланди. Айниқса, кўп йиллар шу ерда ишлаб, эл-юртга сидқидилдан хизмат қилиб пенсияга чиққанларга, айни пайтда жамиятда ўз ўрнини топиб, самарали фаолият кўрсатаётган хотин-қизларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилди.

Байрам муносабати билан ҳаммалари тўкин дастурхон атрофига таклиф этилди, санъаткорлар хизматда бўлди. Опа-сингилларга, фахрийларга совға-саломлар улашилди, илғорлар рағбатлантирилди.

— Оналаримиз, опа-сингилларимиз ҳамда аёлларимизга ҳар қанча мурувват кўрсатсак арзийди, - дейди Сирдарё туман матлубот акциядорлик жамияти раиси Камолиддин Саматов. - Улуғ аждодларимиз айтганидек, аёл буюк зот, унинг ҳурматини жойига қўймоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, аёл деганда кўз олдимизда аввало Она намоён бўлади. Юртбошимизнинг оналар ва болаларга кўрсатаётган ғамхўрликлари, жумладан, бизни ҳам савоб ишларни мунтазам адо этишга руҳлантиряпти. Кўпнинг дуосини олиб яшашга, ташаббус кўрсатиб эзгу ишларни амалга оширишга даъват этяпти. Муҳими, шу туфайли орамиздаги меҳр-оқибат мустаҳкамланяпти.

Фарзандлари соғлом ва бақувват юрт-кудратлидир, дейдилар. Ёш авлод илиги тўқ, бардам вояга етиши учун эса аввало онанинг саломатлиги мустаҳкам бўлмоғи даркор. Давлатимизда бу масалага йил сайин эътибор кучайтирилаётгани, ҳаётбахш фармон ва қарорлар эълон қилинаётгани дастлабки ижобий натижаларни кўрсатмоқда. Шубҳа йўқ, яқин йилларда Ватанимизда юзлаб, минглаб Алпомишлар, Барчиной-лар улғаяди. Ўзбекистон шуҳратини дунёга янада кенг ёяди, машҳур қилади.

— Жамиятимизда меҳнат аҳлини кучли ижтимоий ҳимоя қилишга жиддий аҳамият беряпмиз. Жамоа шартномаси бандлари тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш учун ҳамма тадбирларни белгилаганмиз, - дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Лариса Борсеитова. - Шу билан бирга аёлларимиз иш шароитини яхшилашга ҳам астойдил ҳаракат қиляпмиз. Чунки, улар ишдан кейин дам олишлари, фарзанд тарбиясига вақт ажратишлари, уй-рўзғор юмушлари билан шуғулланишга улгуришлари ҳам керак. Шунингдек, тўрт ва ундан кўп болали ишловчи оналарга ҳар ойда моддий ёрдам берилади.

Масалан, ўтган йил мобайнида бу борада белгиланган вазифалар тўла бажарилди. Ўқувчиларнинг ёзги таътилида ўн олти нафар ўғил-қиз оромгоҳларда бепул дам олдирилди. 450 минг сўмлик болалар озиқ-овқат маҳсулотлари арзон нархларда сотилиши ташкил этилди. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётганларга 210 минг сўмлик совғалар, ўқув дарсликлари топширилди. Ёлғиз кексалар ҳолидан узлуксиз хабар олинади. Қандай камкўстлари бўлса вақтида муҳайё этилади.

Маълумки, рўзғори бут оила бекасининг кўнгли хотиржам бўлади, иши унади. Бу эса матлубот соҳаси ходимларининг ишни оқилона ташкил этишига, тадбиркорлигига ва яна муҳими, вазифасига масъулият билан ёндошишига боғлиқ. Аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатишда Сирдарё тумани матлуботчилари вилоятда илғорлардан ҳисобланишади. Дўконлардан энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари узилмайди. Қишлоқ аҳолиси ўзига керак нарсани излаб, қимматли вақтини кетказиб, туман марказига қатнаб, овора бўлмайди.

Шу боис, режалар зиёдаси билан уддаланаётир. Масалан, 1999 йилга нисбатан 2000 йилда товар айланиш ҳажми 7 фоизга ўсди. Иқтисодий самарадорлик сезиларли даражада кўтарилди. Иш ҳақи соф даромаднинг кўпайиши ҳисобига ўтган бир йилда 541 минг сўмга ошди. «Малик» марказидаги савдо расталари, ошхона, чойхона янада чирой очди, дўконлар таъмирланди.

— Шундай кунларга етганимизга беҳад шукроналар айтмоғимиз даркор, - дейди касаба бақўм етакчиси. - Чунки оналари эъзозланган, фарзандлари ардоқланган мамлакат доим обод ва мустаҳкам бўлган.

Равшан МУҲАМЕДОВ.

Бир хат изидан

Қўшработлик ҳамшира Мавлуда Маматқосимова таҳририятга йўллаган хатида оиласи моддий жиҳатдан қийналаётганини, ишга тикланган бўлса-да, мажбурий прогул учун маъмурият ҳақ тўламаётганини баён қилган. Унинг дарду ташвишини тушуниш мумкин. Ишсиз қолиш ёки иш ҳақини вақтида ололмаслик оилани қийин аҳволга солиб қўяди, албатта.

ДАЪВОГАР ҲАҚ

Қўшработ туманининг энг олис қишлоқларидан бири бўлган Жўш қишлоқ шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаётган Мавлуда Маматқосимова 1995 йил 5 сентябрда туғруқ таътилига, сўнгра болага қараш учун таътилга чиқади. У 1997 йилнинг 1 апрелида ишга қайтиши керак эди. Унинг бу ҳақдаги аризасига тегишли мутасадди раҳбарлар «штат қисқарганлиги сабабли сизни иш билан таъминлаш имкони йўқ» деган мазмунда жавоб қайтаришган. Ҳолбуки, ходим мабодо таътилдан сўнг ишга чиқмай қолса, бунинг сабабини аниқлаш маъмуриятнинг бурчидир. Шундай қилиб, М.Маматқосимова бир йилдан зиёдроқ ишсиз сарсон бўлиб юрди. Туман марказий шифохонаси касаба уюшма қўмитаси раиси О.Каримовнинг аралашувидан сўнг М.Маматқосимова иш билан таъминланди. Лекин унга ўз иши эмас, балки вақтинча даволанаётган бошқа ҳамширанинг ўрни тавсия этилди. Бекор юргандан кўра М.Маматқосимова шунга ҳам рози бўлди. Унинг бир неча такрорий мурожаатларига қарамасдан туман марказий шифохонасининг собиқ ҳакими А.Зайниддинов масалани қонуний ҳал қилишни, яъни М.Маматқосимовага ўз иш жойини беришни, мажбурий прогул учун ҳақ тўлашни хаёлига ҳам келтирмади. Оқибатда собиқ ҳамшира вилоят касаба уюшмалари кенгашига ва вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг 1999 йил 30 июлдаги 3/146-хатида М.Маматқосимова ўз ишига тикланиши ва мажбурий прогул учун ҳақ тўланиши таъкидланган. Аммо ўша вақтдаги бош ҳаким А.Зайниддинов юқори идоранинг мазкур хатини ҳам инобатга олмади. Гарчи М.Маматқосимова ишлаётган бўлса-да, шикоятда кўтарилган масала, жумладан, мажбурий бекор юрган кунлари учун ҳақни ҳанузгача ололмаган. Ўйлаймизки, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддилари мазкур масалани назоратга олиб, адолатни юзага чиқарадилар.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма тадбирлари



Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган Наврўз тантаналари, хайрия тадбирлари Қорақалпоғистон Республикасидаги махсус интернатлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига олам-олам қувонч бағишлади.

ХАЙРИЯ КЕЧАСИ

Жумладан, Тўрткўл шаҳридаги 5- махсус санаторий-интернат мактабнинг 260 нафар ўқувчилари-юмуаллим ва тарбиячилари учун бу галги Наврўзи олам тантаналари ўзгача маъно касб этди. Билим маскани-нинг 40 нафар ёрдамга муҳтож ўқувчиларига салкам 210 минг сўмлик кийим-кечаклар, ўйинчоқлар, ўқув қуроллари топширилди. Ўксик қалбларга қувонч бахш этиш катта савобдир. Бу гапнинг тўғрилигига байрамда совғалар қабул қилган ўғил-қизлар чеҳрасидаги гулгунликни кўриб яна бир бора иймон келтирдик. Хайрия тадбири ўйин-кулгу, оромбахш мусиқа садолари остида узоқ давом этди.

Мазкур Марказий қўмита томонидан ташкил этилган бундай хайрия тадбирларидан яна бири Хўжайли шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Ҳамза номидаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига 350 минг сўмлик байрам совғалари улашилди.

Шунингдек, Тахтакўпир туманининг «Қоратерек» овулида жойлашган чўпонларнинг болалари тарбияланаётган мактаб-интернат ва Тўрткўл шаҳридаги 3- болалар боғчасида ҳам хайрия кечалари ташкил этилди.

Умуман Марказий қўмита маблағи ҳисобига қорақалпоғистонлик болаларга салкам 1 миллион сўмлик кийим-кечак, ўйинчоқлар ва ўқув қуроллари топширилди.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

ҚУЛАЙЛИК

Боғдод туманидаги Мирзаобод қишлоғида 5 мингга яқин кишига хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Тумандаги 92-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бу ерда 25 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажарди. «Жаҳон банки»нинг соғломлаштириш лойиҳаси асосида ажратилган уч миллион сўмлик кредит ҳисобига олинган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктида доялик хизмати, тиш даволаш, ташхис қўйиш, лаборатория бўлимлари мавжуд.

- Ҳозирда туманимиз ҳудудида 10 та қишлоқ врачлик пункти аҳолига малакали тиббиёт хизмати кўрсатмоқда, - дейди туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Абдужаббор Ҳусанбоев. - Жорий йилнинг ўзида яна Боғдод ва Чек Мирзаобод қишлоқларида ҳам ана шундай замонавий қишлоқ врачлик пунктлари ишга туширилади.

ИККИ ТОМОН МАНФААТДОР

Бугунги кунда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда. Олий ўқув юртининг бир гуруҳ олимлари яқинда Жанубий Кореяда илмий сафарда бўлиб қайтди.

Мамлакатнинг Самсунг компанияси Биотиббиёт илмий институти уюштирган давра суҳбатлари ҳам ўзаро манфаатдорлик руҳида ўтди. Биотиббиёт институти билан ўқув, илмий ва ахборот алмашиш соҳасида алоқаларни йўлга қўйишга доир ҳамкорлик шартномаси ҳам тузилди.

Илмий сафар чоғида ўзбек шифокор олимлари Жанубий Кореянинг Сунчкьюнкван университетида ташкил этилаётган ўқув ва илмий жараёнлар билан ҳам атрофлича танишдилар. Олий ўқув юртининг тиббиёт факультети фаолияти ҳам эътиборни ўзига тортди.

Бу ҳар икки олий ўқув юрти ўртасида йўлга қўйилган ўзаро келишувга биноан мутахассислар малакасини ошириш, талабаларни ўқитиш, спорт ва сайёҳлик йўналишларида яқин ҳамкорлик ўрнатади.

А.АЛИЕВ.

НУРДАГИ СОЯ

ёхуд оғуга талпинган аёллар

Оғриқ нуқталар

Наркотик моддалар савдоси билан шуғулланаётганлар орасида аёллар борлиги қалбингизда оғриқ уйғотади.

Тожикистон Республикаси фуқароси Панжикент туманида яшаган Сожида Сатторова бу сафар Ургутга қўрқа-писа қадам қўйди. У божхона постини четлаб айланма йўллар билан Дўстлик қишлоғи ҳудудига гиёҳвандлик воситасини олиб ўтаётганда ушланди. Аёлни шайтоний ҳавас — мўмай пул топиш васвасаси шу йўлга бошлади. У ўзи олиб ўтмоқчи бўлган оғу эртага юзлаб хонадонларга мусибат келтиришини, оналар кўз ёши дарё бўлишини хаёлига ҳам келтирмади. Аёл жиноятга қўл урди. Қонунга хилоф қилмиши учун у қамоқда ўтириши, жазо муддатини ўташи шарт эди. Лекин инсонпарвар жамиятимиз унга ўз инсоний бурчини англаш имконини берди. Республика Президентининг 2000 йил 28 августдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 1-моддаси «б» банди ва 8-моддасига асосан жиноят иши тўхтатилди.

Лекин наркотик моддаларни мамлакатимиз ҳудуди орқали четга олиб ўтишга уриниш ҳоллари ҳамон содир бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Божхона, ички ишлар ходимларининг ҳушёрлиги туфайли Ургут туманида ўтган йили 272 та жиноятчиликнинг пайи қирқилди. Жиноятчилардан гиёҳвандлик воситалари олинди ва оғу йўқ қилинди. Таассуфки, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланганларнинг 15 нафари аёллар бўлиб чиқди. Уларнинг кўпчилиги ўз фуқароларимиз экани айниқса жамоатчилик ўртасида ташвиш уйғотди. Жумладан, туманнинг Жар қишлоғида яшовчи Салима Турдиева гиёҳвандлик моддаларини сақлаш, сотиш қонун йўли билан ман қилинганини билгани ҳолда ҳамқишлоғи Мастура Жумабоева билан жиноий тил бириктириб, 4,4 грамм героин моддасини пуллаб турган пайтида жиноят устида қўлга олиндилар.

«Зарафшон» жамоа хўжалиги Сўфи қишлоғида яшовчи Муҳайё Қаршиеванинг 7 нафар фарзанди бор. Жорий йилнинг 15 январ куни соат 10 ларда ўз уйи олдида ИИБ ходимлари томонидан текшириб кўрилганда, жемперининг ички чўнтагидан гугурт қутисига солинган тўртта пакетчада алоҳида-алоҳида қадоқланган героин ҳамда «хон» сигаретаси қоғозига ўралган 0,9 грамм мариухана борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган. Тергов жараёнида М.Қаршиеванинг илгари ҳам гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғулланиб келгани маълум бўлди.

Ярамас оғу нақадар оғир ва даҳшатли мусибатларни келтириб чиқараётгани ҳеч кимга сир эмас. Биргина Ургут туманида наркотик модда истеъмол қилиш оқибатида 3 киши ҳаётдан кўз юмди. Унинг айниқса ёшлар ҳаётини заҳарламаслиги учун барча-барчамиз оёққа турмоғимиз лозим. Маҳалла хотин-қизлар қўмиталари, жойлардаги жамоатчилик ташкилотлари ходимлари аёллар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар, ҳаётий суҳбат-мунозаралар ташкил этиб жамият гуллари бўлган аёлларни гиёҳвандликнинг хатарли йўлларидан қайтариб қолишлари керак. Аёл — гўзаллик фариштаси. Унга фақат эзгу амаллар — оила бекалиги, Оналик, муҳаббат ярашади.

Баҳодир САЪДУЛЛАЕВ, Ургут туман прокурори, адлия маслаҳатчиси, Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

ЯНГИ ТИББИЁТ МАСКАНИ

Шошилинч тиббий ёрдам марказининг Ғиждувон туман бўлими фойдаланишга топширилди. Мамлакат соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига асосан барпо этилган бу объектда 32 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. 60 беморга хизмат кўрсатадиган янги шифо масканида педиатрия, терапия, жарроҳлик, реанимация каби бўлимлар мавжуд. Барча бўлимлар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

(ЎзА).

TV дастури

9-15 апрел

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 9

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом , Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет.
8.50 «Баҳор васфи». Мусиқий дастур.
9.15 «Алпомиш». Мультфильм.
9.35, 12.35 ТВ-метео.
9.45 «Ранглар жилоси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 ТВ-1 кинотеатри. «Суюнчи». Бадиий фильм.
11.15 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.40 Ўзбекистон дурдоналари. Телефильм.
11.50, 13.00 ТВ-анонс.
12.05 «Олам футболи».
12.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.10 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
13.25 «Олам». Телеальманах.
14.10 ТВ-1 намойиш этади.
14.25 «Соҳибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
15.45 ТВ-клип.
15.50 «Қишлоқ ҳаёти».
16.05 «Болалигим -гулбаҳор».



16.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кошона».
17.05 «Куйла, ёшлигим».
17.15 «Ўзбекистон фуқароси».
17.30 Экранда -телесериал. «Индаба».
18.10 «Суғурта».
18.25 Мусиқий альбом.
18.35 «Бахтли воқеа». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50, 22.55 ЭЪЛОНЛАР
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Биржа ва банк хабарлари».
20.30 «Ахборот».
21.05 Санъат усталарининг концерти.
21.55 «Маънавият» дастури.
23.00 «Ахборот».
23.35 Тунги сеанс. «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр тонги».
10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси».
10.20 «Саломатлик сирлари».
10.40 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
11.00 «Давр». Ҳафта ичида.
11.40, 13.30, 15.40, 16.55 «Мусиқий лаҳзалар».
11.50 «Темурнома»: «Соҳибқироннинг туғилиши».
12.10 Олтин мерос.
12.20 «Машраб». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли. 1-қисм.
13.15 Автосалтанат.
13.40 «Машраб». Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
14.30 «Баҳор лавҳалари». Манзарали фильм.
14.40 Ёшлар куйлайди.
14.50 «Жаҳон жуғрофияси»: «Ҳаёт мароми».
15.50 Болалар экрани. «Диққат: шаҳарда сеҳргар».
17.05 «Спорт ҳафтаномаси».
17.20 Хоразм телевидениеси тақдим этади: «Наврўз шодиёналари».
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» почтаси.
18.05 «Самовий саргузаштлар». Болалар учун телесериал. 1-қисм.
18.30 «Темурийлар тарихи давлат музейи» («Ўзбектелефильм»)
18.45 «Оқшом наволари».
18.55, 21.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс ва Эколаш латифалари».
19.35 Алишер Навоийнинг 560 йиллигига. «Алишер Навоий». Видеофильм. 1-қисм.
20.05 «Ёшлар овози».
20.25 Ёшлик наволари.
20.35, 21.25, 22.30 Эълонлар
20.40 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Бойлик изтироби». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.30 «Соҳибқирон ёди...»
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Тунги тароналар ва Эколаш латифалари».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Футбол. Ҳафтанинг энг яхши ўйини.
1.10-1.15 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Мультфильм.
18.15 «2001 йил – Оналар ва болалар йили». «Биз ва болалар».
18.30, 21.00, 22.40, 00.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.55 «Эҳтиром ила».
19.25 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».
20.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.40, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
21.45 «Авто-news».
22.00 ТТВда сериал: «Селеста».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Кинонигоҳ. «Тепадаги қўшни».
00.55-1.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

РЖТ 6.30-8.00
14.00-15.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.00 Кўрсатувлар тартиби.
15.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.15 «Мультчархпалак».
15.30 «Вести».
16.00 «Морена Клара». Сериал.
16.45 «Америкага назар».
17.00 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.10 «Клип антракт».

*

РЖТ
17.55 «Мени кутгил».
18.40 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
ЎзТВ–IV
20.50 «Бизнес-ревю».
21.05 «Бебилиска пул». Сериал.
21.55 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.15 Кинематограф. «Деярли вояга етганлар». Бадиий фильм.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.10 «Тунингиз осуда бўлсин».

СЕШАНБА, 10

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ-маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Ургутлик кулол».
9.05 «Рақслар гулдастаси».
9.25, 12.25 ТВ-метео.
9.30 «Шоҳруҳ клуби».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Ганг дарёсининг қизи». Бадиий фильм.
11.15 «Фарзанд - умид юлдузи».
11.35 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
11.55, 13.30 ТВ-клип.
12.05 «Ўзбек спортининг одими».
12.30 «Маънавият» дастури.
13.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
14.10 «Мусиқа: кеча ва бугун».
14.40 «Соҳибқирон». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
